

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 14 июнь • № 23 (940)



### ФИНАЛ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ



Бухоро шаҳрида “Универсиада – 2013” спорт мусобақаларининг финал босқичи яқунланди.

Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Универсиада – 2013” спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси – “Дамас” автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ва Андижон вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси – “Дамас” автомобиллари топширилди.

(Давоми 2-бетда).

Саломатлик ўн кунлиги

### МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН АҲОЛИ МАМНУН

Мамлакатимизда 3-12 июнь кунлари “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ўтказилган саломатлик ўн кунлиги ўз ниҳоясига етди.



Бу йилги тадбирларнинг аввалгиларидан фарқи унинг қамрови янада кенгайганидир. Илгари бундай кўриклар бир ҳафта давом этган бўлса, бу гал аҳоли ўн кун давомида малакали тиббий текширувдан ўтказилди. Чуқурлаштирилган тиббий кўрик жараёнлари билан янада яқиндан танишиш мақсадида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида хизмат сафарига бўлиб, аҳоли ҳамда тиббиёт ходимларининг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

(Давоми 4-бетда).

Қон – бу ҳаёт

## МАҚСАДИМИЗ: БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ

Қон – бу ҳаёт! Қон – бебаҳо. Унинг қийматини дунёда ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Маълумки, ҳар йили 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар кун сифатида кенг нишонланади.

Ушбу тадбирнинг бош мақсади қон қуйиш учун хавфсиз қоннинг муҳимлиги ва қон донорларининг зарурлигини чуқурроқ англаб етишни шакллантиришдир. Бу кун, авваламбор, донорлик қонлари ва қон компонентларига дунё бўйлаб ошиб бораётган талабга фаоллик билан жавоб бераётган кўнгилларнинг инсоният олдига хизматларини рағбатлантириб, уларга миннатдорчилик билдиришга имконият беради. Ўзбек халқига хос бўлган ана шундай саховат ва эзгулик хислатлари қанчадан-қанча инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилмоқда, десак муболаға бўлмайди.



Дарҳақиқат, юртимизда 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар кун сифатида кенг нишонланиб келади. Бунинг замирида Бутунжаҳон донорлар кунини қўллаб-қувватлаш ва биргаликда ҳаракатлантириш, ҳамжиҳатликда иш олиб боришни амалга ошириш, глобал қон хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилот ва муассасаларни ҳам ушбу жараёнга кенг жалб этиш мақсади ётади.

2005 йили ўтказилган соғлиқни сақлаш Бутунжаҳон ассамблеясининг йиғилишида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)га аъзо давлатларнинг соғлиқни сақлаш вазирлари томонидан мазкур сана ҳар йили тадбир сифатида нишонланиши белгилаб олинган.

(Давоми 2-бетда).

## "Универсиада – 2013"

## ФИНАЛ БОСКИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ва Андижон вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти соғаси – "Дамас" автомобиллари топширилди.

Мурасасиз курашлар остида ўтган мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намоён этган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи-талабалар махсус совринларга сазовор бўлди.

Ўзига хос тарзда ўтказилган мазкур Универсиадада талаба спортчиларнинг мусобақаларга катта тайёргарлик кўргани, маҳоратини ошириши борасида тинимсиз шуғулланиши, ғалаба сари интилиши, беллашувларнинг мурасасиз ўтиши аввалги мусобақалардаги кўрсаткичларга қараганда бир оз бўлсада юқори эканлигини кўрсатди. Ўзаро беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 1020 нафарга яқин йигит-қизлар спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашдилар.

Эътирофлиси шундаки, мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган "Универсиада" беллашувлари юқори савияда ва ушқоқлик билан ўтказиб келинаётганлиги, шунингдек, жойларда, вилоят ва шаҳарларда бу учун зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилишига

қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфлангани, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани бу спорт байрамига давлатимиз ҳамда жамиятимиз томонидан берилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Ортбошимизнинг ушбу спорт ўйинларида иштирок этган талаба-ёшларга йўлаган табригида: "...болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етаётган фарзандларимизнинг тараққий топган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва сунъи, биз интилаётган юксак марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун – ана шундай буюк мақсадларга эри-

шиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас", дея алоҳида эътироф этилган.

Ўтказилган Универсиада олимпия тамойилларига қатъий риоя қилинган, ҳолислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, рақибга ҳурмат каби умуминсоний қадриятлар бош мезон бўлган беллашувларда иштирокчиларнинг кўрсаткич ва натижалари тобора ўсиб бораётгани қайд этилди. Қўплаб янги рекордлар ўрнатилди. Бу келажакда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга қодир спортчилар захирасида иқтидорли ёшлар сафи кенгайиб бораётганининг яна бир далилидир.

Бухородаги Универсиада беллашувларида маҳорат кўрсатган спортчи ёшларнинг аксарияти энди Жаҳон универсиадасида қатнашади. Шу йилнинг 6-17



июль кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтадиган ушбу нуфузли мусобақада саксон нафар спортчидан иборат Ўзбекистон спорт делегацияси спортнинг ўн тўрт тури бўйича ғолиблик учун куч синашади.

Бухорода ўтган мусобақалар нафақат Ўзбекистон спортчи ҳаётида катта воқеа, балки барча жабҳаларда эришаётган ютуқлари билан Ватанимиз шарафини улуғлашга қодир ёшларимизнинг том маънодаги ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди. Истиқлол йилларида умидли спортчиларимиз халқаро миқёсда юртимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга, ҳеч кимдан кам бўлмаган

авлодни вояга етказётган мамлакатимиз ва халқимизни бутун дунёга янада кенг таништиришга хизмат қилмоқда.

"Универсиада – 2013" республика спорт мусобақалари universiada.uz сайтида ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, италян, испан, корейс, япон, хитой тилида ёритилди. Уч кун давомида дунёнинг қирқдан ортиқ давлатидан минглаб спорт мухлислари Универсиада беллашувларини ушбу расмий сайт орқали кузатиб борди.

Универсиада байроғини мусобақанинг навбатдаги мезбони – Фарғона вилояти вакиллари қабул қилиб олишди.

**Дўстлик ва меҳр-муҳаббатга бой бўлиб ўтган Универсиада ёшларимизнинг интилиши, тиришқоқлиги ва чаққонлиги, уларнинг спортга бўлган иштиёқлари устун эканлигини яна бир бор намоён эта олди десак, янглишмаган бўламиз. Намоз ТОЛИПОВ. ЎЗА олган суратлар.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

## Қон – бу ҳаёт

## МАҚСАДИМИЗ: БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ

Мавзуимиз ҳам айнан беғараз донорликни ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган фаолиятларга қаратилади.

Бугунги кунда қон донорлиги ва унинг компонентларини

ниқса, қон хизматига янги технологиялар кириб келиши, қон донорлиги хавфсизлигини таъминлаш борасида меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, мазкур хизмат ривожланиши учун барча зарур қонуний асос-

тириш мутахассислар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу масала нафақат тиббиёт ходимлари орасида, балки давлатимиз томонидан ҳам доимий эътиборга олингани бежиз эмас. Хабаримиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги 700-сонли "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳам юқоридаги масалаларга алоҳида урғу берилган. Жумладан, тиббиёт муассасаларида қон, унинг компонентлари ва препаратларини тайёрлаш, сақлаш ва хавфсизлик ҳамда аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиш стандартларига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган барча тиббий муолажалар кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган буюм ҳамда асбоблар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда бир маротаба тиббий буюм ва асбоблардан фойдаланишга ўтказиш, Гематология ва қон қуйиш институти, қон қуйиш станциялари, ОИТС марказларини замонавий лаборатория ва бошқа жиҳозлар билан бюджет маблағлари ҳамда халқаро ташкилотлар, молия институтлари грантларини жалб этиш ҳисобидан муқаммал таъмирлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб боришда. Шунингдек, "Қон ва



унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг қўшма қарорлари асосида "Қон инсонлар хизматида" акциялари доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Ундан ташқари, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ва бошқа халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда беғараз донорликни тарғиб қилиш бўйича махсус дастурий режалар белгилаб олинган.

Республикада бадалсиз донорликни ривожлантириш нафақат тиббиёт ходимлари иштирокини, балки давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири,

ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштиришни талаб этади. Ушбу соҳада амалга оширилган кенг қўламли ишлар билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, Қонуннинг 14-моддасида: "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги ваколатлари", 15-моддасида: "Қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги мажбуриятлари", 16-моддасида: "Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг

(Давоми 3-бетда).



ривожлантириш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг кенг қатлами донорликка жалб қилиш борасида Миллий дастур ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, тиббий хизмат кўрсатишда бир қанча ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ай-

лар яратилган. Жумладан, 2002 йилнинг 30 августда "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, миллий қонунчилигимизда гематология ва қон хизматига оид ҳуқуқий асосларни белгилаб берди.

Маълумки, бутун дунёда гематология соҳасига оид касалликларни даволаш, аҳолини беғараз донорликка жалб этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучай-

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Қон – бу ҳаёт

## МАҚСАДИМИЗ: БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантиришдаги иштироки талаб даражасида эмас” ва бошқа моддаларда кўрсатилган талабларни бажариш юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ҳам бадалсиз донорликни ривожлантиришда бир қанча эътиборларни инобатга олиш муҳимлигини кўрсатади.

Республика қон хизмати тизимини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Осиё тараққиёт банки экспертлари тавсиялари асосида босқичма-босқич ислох қилиш ва марказлаштириш амалга оширилмоқда. Қон хизмати тизимини ислох қилиш босқичларидан яна бири сайёр гуруҳлар ёрдамида беғараз донорлардан қон олиш ишларини жадал-

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

лаштириш тадбирлари мунтазам равишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкиллаштирилмоқда. Бунинг учун аҳоли орасида беғараз қон ва унинг компонентлари донорлигини ривожлантириш, бу борада барча давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги жуда муҳим, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки билан тузилган шартномага асосан, мамлакатимиздаги қон хизмати муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва қон хавфсизлигини таъминлаш миллий дастурини амалга ошириш учун Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти қон куйиш станцияси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида Минтақавий қон марказлари таш-

кил этилди ва уларнинг барчаси жаҳон андозалари даражасида замонавий жиҳозланди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш чоғида олиб борилган саъй-ҳаракатлар боис, режадаги ишлар амалиётда тўла-тўқис ўз ифодасини топди.

Ҳар йили беғараз донорликни тарғиб қилувчи оммавий тадбирлар, ёшлар акциялари ўтказиб келинади. Масалан, бу жараёнга таълим муассасалари билан бир қаторда, маҳаллада яшовчи фуқароларнинг кўпроқ жалб этилиши, эстрада юлдузлари ва уларнинг фан клублари иштирокида «Фахрли инсон» акцияларининг ўтказилиши аёнана тусини олди. Бу йил ҳам Республика қон марказида ушбу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтади. Беғараз донорлик акциялари ҳудудларда, олий ўқув юртлирида, жамоат ташкилотларида қон хизмати-га ихтисослашган микроавто-



буслар орқали амалга оширилади. Шунингдек, айти кунларда институт ходимлари, қон маркази мутахассислари жойларда тарғибот-ташвиқот

ишларини олиб бориш билан бирга, беғараз донорлик сафини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**Таъкидлаш муҳимки, Бутунжаҳон донорлар куни «Ҳар бир қон топириш – ҳаёт бағишлашдир» шиори остида ўтказилмоқда. Бу албатта, дунё микёсида янада кўпроқ инсонлар доимий равишда ўзининг қонини топириб, бошқа инсонлар ҳаётини сақлаб қоладилар.**

Намоз ТОЛИПОВ.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

## МУҲОКАМАДА: ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қизгин муҳокама қилинди. Муҳокамалар чоғида одам иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) келтириб чиқарадиган ОИТС касаллиги ҳозирги вақтда барча мамлакатлар учун глобал муаммага айлангани алоҳида қайд этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари ўз нуктаи назарларини билдирдилар.

**ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари**нинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ушбу касалликнинг олдини олиш бўйича доимий тизимли иш олиб борилмоқда. 1999 йил августда қабул қилинган “Одам иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги Қонун ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда, халқаро тажрибани ҳар томонлама таҳлил қилиш ўтган давр мобайнида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш масаласига ёндашувлар кескин ўзгарганлигини кўрсатмоқда. Бу ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунни янада такомиллаштириш зарурлигини белгилаб берди. Амалдаги қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси фаолияти, унинг унинг тартиби ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Касалликка қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш босқичма-босқич такомиллаштириш йўли билан амалга оширилмоқда, деб таъкидлашди **ЎзХДП фракцияси** депутатлари. Шу муносабат билан мамлакатимиз ва чет эл тажрибасига мувофиқ

ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган “Одам иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Қонун лойиҳасида ушбу соҳанинг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишга доир муҳим нормалар ўз аксини топган ва ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати белгиланган. Масалан, тиббий текширувдан ўтиш тартиби алоҳида нормалар билан белгиланмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши бу йўналишда иш олиб бориш ва тадбирлар ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиради, бунда Қонунда масъул шахсларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари янада аниқроқ белгилаб қўйилди, деб ҳисоблайди **ЎзХДП фракцияси** аъзолари.

Ўзбекистон “Миллий тиклашни” ДП фракциясининг фикрича, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамият ва ҳаёт учун хавфли бундай касалликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган миллий давлат дастурларини кучайтириш муҳим. Тарихий жиҳатдан Ўзбе-

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг фикрича, қонун лойиҳасида ушбу соҳадаги давлат сиёсати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб қўйилмоқда. Тегишли ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида қонунчилик даражасида жавобгарлик соҳасининг бундай аниқ фарқлаб қўйилиши ушбу соҳада давлат сиёсатини рўйба қиқаришда самарадорликни ошириш имконини беради.

Ибодат СОАТОВА.

## Анжуман

## ВЕРТЕБРОЛОГИЯ ВА АРТРОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Андижон Давлат тиббиёт институтида вертебродология ва артрологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти ҳамда Андижон Давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бош травматолог-ортопедлари, шошилинч тиббий ёрдам марказлари етакчи мутахассислари, тиббиёт олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, мутахассислар ва хорижий олимлар иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати юксалиб, кўлами тобора кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда травматология, ортопедия, вертебродология ва артрология соҳаси ривожини йўлида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аксарият тиббий муассасалар мазкур йўналишдаги хасталикларни даволаш бўйича замонавий жиҳоз, асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу мураккаб операцияларни бажариш, касалликларни самарали даволаш имконини бераётди.

Мамлакатимиз вертебродология ва артрология соҳаси ўзининг имкониятлари, илмий са-

лоҳияти ва эришилаётган натижалари бўйича МДХ давлатлари орасида етакчи ўринда туради, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирҳаким Азизов**. – Бу мамлакатимизда мазкур йўналишдаги касалликларни аниқлаш ва самарали даволаш учун барча имконият яратилганлигининг самараларидандир.

Анжуманда йирик бўғимлар патологияси диагностикаси ва даволашнинг долзарб масалалари, умуртқа шикасталиги ва ортопедик касалликларни даволашдаги янги технологиялар ҳамда травматология ва ортопедия замонавий технологияларни қўллашнинг муҳим йўналишлари сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келяпмиз, – дейди **россиялик травматолог Александр Реутов**. – Ўзбекистонда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. Травматология ва ортопедия соҳасида эришилаётган юксак ютуқлар бунга ёрқин мисолдир.

ЎЗА.

## Ҳурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз семимли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.

## Саломатлик ўн кунлиги

## МЕХР ВА ЭЪТИБОРДАН АҲОЛИ МАМНУН

## Қашқадарё вилояти

– Кўрик давомида вилоятнинг Косон, Муборак, Қарши, Миришкор, Касби, Нишон туманлари ҳамда Қарши шаҳри аҳолисини, жумладан, болалар ва аёллар, марказий тиббиёт муассасаларига бориш имконияти чекланган беморларга асосий эътибор қаратилиб, улар соғлиги малакали мутахассисларимиз томонидан чуқур кўриқдан ўтказилди. Тадбирнинг афзаллиги биринчидан халқимиз саломатлигини муҳофаза қилган бўлса, иккинчидан маҳаллий ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлди, – дейди профессор **Ҳабибулла Оқилов**.



**Саломатлик кунлари доирасида гуруҳ раҳбари, профессор Ҳабибулла Оқилов бошчилигида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида учта жарроҳлик амалиёти муваффақиятли bajarилди. Шунингдек, улар хонадонларда даво муолажаларига муҳтож бўлган фуқароларга ҳам жойида тиббий ёрдам кўрсатдилар.**



Қашқадарёлик травматолог-врач **Ҳабиба Ҳамидованин** айтишига қараганда, уч йилдан буён ўтказилаётган ушбу кўрик натижасида аҳоли, айниқса, болаларда туғма чиқишлар кескин камайганлигини эътироф этиб, пойтахтдан келган профессор **Аҳмат Дурсунов**га кўп сонли фуқаролар номидан мамнунлигини билдирди.

– Болалар орасида таянч-ҳаракат тизими касалликлари, яъни жароҳат олган, туғма сон чиқиши, сколиоз, туғма аномалия, жароҳат асоратлари кескин камайганлиги мени қувонтирди. Бунинг боиси, вилоятдаги мутахассисларнинг

малакаси етарли даражада, – дейди **Аҳмат Дурсунов**.

## Новот НАЗАРОВА, Миришкор тумани:

– Бир неча йиллардан буён оёқ бўғимларимда оғриқ безовта қилар эди. Ташҳисимни тўғри аниқлаш ва зарур тавсияларни олиш учун Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтидан келган **Аҳмат Дурсунов** қабулида бўлдим. Юқори малакали шифокор оёқ бўғимларимда остеопороз касаллиги бошланганлигини айтиб, даво муолажалари олишим муҳимлигини таъкидлади.

– Мазкур тадбир борасида вилоятда мутахассислар қабули учун кенг шароитлар яратилган бўлиб, мурожаат этувчиларнинг сони ниҳоятда кўп. Гуруҳимиз мутахассислари аҳолини чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида бор билим ва тажрибаларидан фойдаланган ҳолда касаллик тарихига қараб, даво муолажалари, тавсия ва маслаҳатларини беришди. Албатта, ушбу ҳафталик кенг тарзда камраб олинган. Асосийси, беморларга амалий ёрдам бериш билан бир қаторда, касалликларнинг олдини олишга ҳам катта эътибор қаратдик, – дейди малакали шифокор **Юлдуз Ўрмонова**.



## Сарвиноз ЭРГАШЕВА, Қарши шаҳри:

– Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори, эндокринолог-врач **Юлдуз Ўрмонова** қабулида бўлиб, фарзандларим **Ҳасан**, **Хусан** ва ўз соғлигимни чуқур текширтдим. Тажрибали мутахассис фарзандларим ва ўзимда эндокрин касалликларга мойиллик борлигини тушунтириб, керакли муолажа олишимиз учун муҳим тавсиялар бердилар. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда барча ташкилотчиларига раҳматлар айтаман.



## Лайло ХОЖИЕВА, Нишон тумани:

– Пойтахтимиздан келган тажрибали ва ўз касбининг мутахассиси, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси офтальмолог-шифокори **Эркин Билалов** қабулида бўлганимда кўз соҳамдаги касалликлардан хабар топдим. Шунингдек, кўз касалликлари бўйича чуқур маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, уларнинг муомала маданияти ва касалликни тўғри тушунтиришлари соғлигимизга бўлган эътиборни янада оширди.

(Давоми. Боши 1-бетда).



– Косон, Муборак, Қарши, Миришкор, Касби, Нишон туманлари ҳамда Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи аҳоли саломатлигини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказар эканмиз, уларда кечаётган ички касалликлар бўйича ташҳислар аниқлиниб, керакли тавсиялар берилди. Айниқса, юқумли касалликларнинг олдини олиш, унинг асоратлари тўғрисида чуқур маълумотларга эга бўлган ва назоратда турувчи беморларга жойида ҳамда етакчи клиникаларда даволаниш учун йўланмалар тақдим этилди. Мен истардимки, ҳар бир инсон ўз вақтида соғлигига эътибор берса, сурункали касалликларнинг олди олинган бўлар эди, – дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессори **Фарида Қурбонова**.



## Дилноза ТОЖИЕВА, Касби тумани:

– Ушбу тадбирнинг бошланганлиги шахсан мен учун ҳам катта қулайликлар яратди. Сабаби, барча текширувлар бепул, айниқса УЗИ, рентген, ЭКГ, эндоскопия аппаратларида ўз соғлигимни текширтиргач, кўнглим хотиржам бўлди. Бундан ташқари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессори **Фарида Қурбоновадан** ички касалликлар бўйича тегишли тавсиялар олдим. Ташриф буюрган юқори малакали мутахассисларга катта раҳмат.



## Турдиой ОМОНОВА, Қарши шаҳри, Олмазор кўчаси:

– Вилоятимизга пойтахтимиздан ташриф буюрган юқори малакали шифокорларга келишим набирамнинг саломатлигини текширишга олиб келганда улар томонидан қўйилган тўғри ташҳис ҳамда керакли даво муолажалари муҳимлигини кўриб, мутахассисларда бой билим ва тажриба борлигига амин бўлдим. Сўнгра ўзим ҳам Тошкент тиббиёт академияси профессори, тажрибали кардиолог **Х. Маматқулов** қабулида бўлганимда юрагимда ўзгаришлар борлиги ва ўз вақтида керакли муолажаларни олиб туришим зарур эканлигини тушунтирдилар. Айниқса, уларнинг муомала маданияти, самимийлиги, меҳрибонлиги дардимизга малҳам бўлди.

## Қорақалпоғистон Республикаси

**“Обод турмуш йили” Давлат дастури ижроси юзасида Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида ҳам “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари фаоллик билан олиб борилди.**

Мазкур тадбирда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедра мудири, профессор **Ш. Шомансуров** раҳбарлигидаги бир гуруҳ юқори малакали шифокорлар шу кунга қадар **Кегайли**, **Чимбой**, **Нукус**, **Қонлиқўл**, **Шуманай** ва **Кўнғирот** туманларида истиқомат қилаётган аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдилар. Таъкидлаш муҳимки, мутахассислар 11 йўналиш бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, доимий назоратда турувчилар саломатлигини янада чуқурроқ текшириб, тегишли тавсия ва маслаҳатларини бердилар. Шунингдек, сурункали касалланган беморларга пойтахтимиздаги етакчи клиникаларга йўланмалар берилди. Қарийб ўн кун давом этган тадбирда **Элликқалъа**, **Тўртқўл**, **Беруний** туманларида истиқомат қилувчи аҳоли ҳам кенг камраб олинди. Фуқароларни кўриқдан ўтказишда **ЭКГ**, **УТТ**, **флюорография** аппаратлари ёрдамида тўғри ташҳислар қўйилиб, уларга зарурий маслаҳатлар берилди.



– Пойтахтимиздан келган тажрибали алерголог қабулида бўлганимда бир неча йиллардан буён мени қийнаб келаётган аллергия касаллигининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш бўйича чуқур маълумотларга эга бўлдим. Ва малакали шифокор менга керакли муолажаларни тайинлаб, ўз вақтида даволанишим муҳимлигини тушунтирди. Шунингдек, офтальмолог, кардиолог, УТТ мутахассиси, уролог, эндокринолог ва терапевт кўригидан ҳам ўтдим. Аввало, саломатлигимиз учун қайғуриб, барча шароитларни яратаётган Президентимиз, **Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирликлари** ҳамда ҳафталик ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдириб қоламан, – дейди **Кегейли туманида истиқомат қилувчи Роза Нуратдинова**.

## Андижон вилояти

**Мамлакатимизда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида давом этаётган саломатлик кунлари доирасида Андижон вилоятида ҳам тадбир фаоллик билан олиб борилди.**

Шаҳрихон, Асака ва Жалақудуқ туманларида ташкил этилган тиббий кўриқда аҳоли, айниқса, диспансер ҳисобида турган беморлар, ногиронлар, хотин-қизлар ва болалар кўриқдан ўтказилиб, уларга тавсия ва маслаҳатлар берилди.

– Тиббий кўриқларда Тошкент тиббиёт академияси, Врачлар малакасини ошириш ва Педиатрия тиббиёт институтлари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий ҳамда урология марказлари ва бошқа тиббиёт муассасаларининг етакчи мутахассислари фаол иштирок этмоқда, – дейди **гуруҳ раҳбари, Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирҳаким Азизов**. – “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилаётган ҳафталик иштирокчилари сафида кардиолог, уролог, терапевт, невропатолог, ЛОР, травматолог, офтальмолог, онколог каби ўн икки йўналишнинг етакчи мутахассислари бор.

Саломатлик ўн кунда ўн бир миздан зиёд аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўрик жараёнида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди.

(Давоми 5-бетда).

## Саломатлик ўн кунлиги

## МЕХР ВА ЭЪТИБОРДАН АҲОЛИ МАМНУН

## Сурхондарё вилояти



**Карим ЖАББОРОВ,**  
1-сонли Тошкент шаҳар  
шифохонаси ЛОР кафедраси  
мудир, профессор:

– Мана уч йилдирки анъанавий тарзда ўтказилаётган “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрик аҳоли орасида касалликлар камайиши ҳамда инсонлар соғлиғига

**Жуманазар БЕКНАЗАРОВ,**  
тиббий фанлари доктори,  
профессор:

– 10 кун давомида Сурхондарё вилоятининг 12 та туманида бўлиб, кам таъминланган оилалар, даво муолажаларига муҳтож, ногиронлар ҳамда назоратда турувчи беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш чоғида уларда бўйрак тош касаллиги, туғма норасоликлар натижасида келиб чиқадиган хасталиклар аниқланди. Текширувлар давомида шу нарса маълум бўлдики, кўпчилик фуқаролар касаллик ўтиб кетгандан кейингина шифокорга кечикиб мурожаат қилишган. Бу ердаги оғриқли нуқта – болалар урологиясини ривожлантириш. Айниқса, туғма норасоликлар натижасида юзага келаётган ҳолатлар ёш йигитларни оталик бахтидан бенасиб қил-

бўлган эътибор ошиб бораётганлигини кўрсатиб келмоқда. Ўтган йилларда ушбу кўрик бир ҳафта бўлган бўлса, эндиликда эса 10 кунга узайтирилди. Бу ҳам кўриқнинг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Сурхондарё вилоятининг Ангор, Музработ, Қизирик, Шеробод, Денов, Сарийосиё, Узун, Олтинсой, Шўрчи, Термиз, Қумқўрғон, Жарқўрғон туманлари ва Термиз шаҳри аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказдик. Текширувлар натижасида аҳоли орасида сурункали фарингит, ўрта қулоқ касалликлари, бурун ва бурун атрофи бўшлиқлари яллиғланиши каби касалликлар борлиги аниқланиб, керакли муолажа ва йўлланмалар берилди. Оммавий тарзда олиб борилаётган бундай тадбир нафақат аҳоли саломатлиги учун, балки жойлардаги мутахассислар малакаси ошишида ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилади.



моқда. Шунинг учун уларни болалик давридан уролог назоратидан ўтказиш муҳим деб биламан. Агар шундай ҳолат юз берса, 4-5 марта операциядан сўнггина ота бўлиш бахтига муяссар бўлади. Бунинг учун халқимизнинг тиббий маданиятини янада оширишимиз керак.

## Панжи НОРБОЕВ, Шеробод тумани:

– Уч йилдан буён тажрибали профессор Жуманазар Бекназаров қабулида бўлиб, ўзимда кечаётган касалликларнинг оғир оқибати тўғрисида чуқур маълумот олдим. Шу боис, касалликни бартараф этиш учун Жуманазар аканинг тавсияси бўйича муолажалар олиб келаяпман. Соғлигимда ижобий ўзгаришлар бўлиб, менда оила қуриш ва фарзанд кўриш умиди туғилди. Пойтахтдан келган барча қалби пок шифокорларга самимий тилакларимни изҳор қилиб қоламан.

## Улуғбек ҚАЮМОВ,

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ички касалликлар кафедраси мудир, профессор:

– Аввало, аҳоли саломатлигини ўйлаб, ушбу кенг тарздаги тиббий кўриқни ташкил этган давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлигига раҳмат айтаман. Қабулга келаётган фуқаролар сони йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, бу албатта халқимизнинг тиббийётга бўлган ишончи деб биламан. Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, юртдошларимиз ўзларида кечаётган касаллик тарихи тўғрисида маълумотга эга эканликлари ва соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари мени бефарқ қолдирмади. Биз шифокорлар ҳам даволашнишга муҳтож, ногирон, кам таъминланган оилаларга катта эътибор қаратишга ҳаракат қилдик. Ҳатто, назоратда бўлган айрим беморларнинг уйларида бориб, керакли ёрдамимизни бердик.



(Давоми. Боши 1-, 4-бетларда).

– УЗИ, ЭКГ, рентгенография аппаратларида юрак, ўпка, жигар ва буйрақларимни текширтдим, шунингдек, ЛОР, офтальмолог, хирург, невропатолог, эндокринолог каби мутахассислар қабулида ҳам бўлдим. Айниқса, уларнинг билими, муомала маданияти ва камтарликлари кайфиятимни кўтарди. Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятимиздаги барча ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман, – дейди шўрчилик Махфуза Дадабоева.

## Сафаркул ШЕРАЛИЕВА, Ангор тумани, “Ангор” маҳалласи:

– Фарзандимнинг қулоғи яхши эшитмаслиги ва томоғидаги оғриқ безовта қилиши боис, тажрибали отоларинголог-шифокор Карим Жабборов қабулига олиб келган эдим. Синчков кўрик натижалари бўйича тўғри ташхис қўйилиб, даво муолажаларини республикадаги етакчи клиникаларда давом эттириш тавсия этилди. Бундан ташқари, оила аъзоларимиз билан биргаликда УЗИ, флюорография аппаратлари ҳамда кардиолог, уролог, терапевт каби мутахассислар кўригидан ҳам ўтдик. Бизга кўрсатилётган меҳр ва эътибордан мамнун бўлдик.

Тўрабек СОЛИЕВ,  
Республика ихтисослаштирилган  
кўз микрохирургияси маркази  
(РИКММ) офтальмологи, тиббийёт  
фанлари номзоди:

– Тиббий кўриқдан ўтиш учун келган аҳоли орасида глаукома, эт ўсиши, катаракта, аллергия ҳамда хроник касалликларнинг мавжудлиги аниқланди. Албатта, бундай касалликларнинг келиб чиқишига иқлим ўзгаришлари сабаб бўлиши мумкин. Туманлар миқёсида солиштирсак, ушбу касалликлар Денов тумани аҳолисида кўпроқ учради. Маҳаллий шифокорлар билан биргаликда аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб, тавсиялар, шунингдек, жарроҳлик амалиёти учун РИКММ ва жойлардаги тиббийёт муассасаларига йўлланмалар берилди.



## Салима ТОШТЕМИРОВА, Ангор тумани, Массив кўчаси:

– Малакали кўз шифокори Тўрабек Солиев қабулига кирганимда иккала кўзимда ҳам эт ўсиши бошланганлиги маълум бўлди. Айниқса, ўз касбининг моҳири устаси кўзимда нафақат эт ўсиши, балки шохпардамда ҳам хасталик борлигини айтиб, ўз вақтида даво муолажалари олишим зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари, бошқа мутахассислар кўригидан ҳам ўтдим. Аввало, узоғимизни яқин қилиб, бепул тиббий кўрик ташкил этган Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ташаккуримни билдираман.

## Хоразм вилояти

– Хоразм вилоятининг Гурлан, Янгиариқ, Боғот туманларида бўлди, – дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази юрак аритмияси бўлими мудир, тиббийёт фанлари доктори Нодир Зокиров. – Вилоятдаги тиббийёт муассасаларида замонавий шарт-шароитлар яратилгани тиббий кўриқларни самарали ташкил этиш, янада кўпроқ беморларни қамраб олиш имконини берди. Марказимизнинг вилоятдаги филиали ва туманлардаги кардиолог-врачлар билан ҳамкорликда кунига юз нафарга яқин беморни тиббий кўриқдан ўтказдик. Беморларнинг аҳолига қараб консерватив ва стационар муолажалар тавсия этдик. Оператив тиббий ёрдамга муҳтожларга ихтисослаштирилган тиббий-илмий марказларга йўлланма берилди.

– Хафақон хасталигидан азият чекаман, – дейди янгиариқлик Баҳром Божонов. – Узоқ йўл босиб Тошкентга, ихтисослашган марказларга боришга соғлигим имкон бермайди. Ушбу марказлардаги олимлар ва етук шифокорларнинг ўзлари туманимизга келгани менга ўхшаш беморлар учун катта қулайлик бўлди. Қишлоқ врачлик пунктимиздан оиламизга бириктирилган умумий амалиёт врачимиз ҳамроҳлигида барча шифокорлар кўригидан ўтдим. Соғлигимни яхшилаш учун зарур маслаҳат ва даво муолажаларини ёзиб беришди. Давлатимиз раҳбари томонидан бизга кўрсатилётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдоримиз.

## Фарғона вилояти

Президентимиз ислом каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг етакчи тиббийёт муассасалари олим ва мутахассислари иштирокида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, инсон саломатлиги омиллари ҳақида тарғибот-тушунтириш тадбирларини ташкил қилишга эътиборнинг янада кучайгани аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини асрашда муҳим аҳамият касб этаётир. Бу Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ташкил этилган саломатлик ҳафталиги тадбирларида ҳам ўз ифодасини топди.

Саломатлик ҳафталигида Фарғона вилоятининг ўн мингдан зиёд аҳолиси Республика шошилинч тиббий ёрдам, Ихтисослаштирилган эндокринология, Терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббийёт марказлари, Тошкент педиатрия тиббийёт институти, Тошкент тиббийёт академияси, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг етакчи олим ва мутахассислари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Чуқурлаштирилган текширувлар замонавий ташхис аппаратлари, лаборатория ускуналари ёрдамида ўтказилиб, беморларга тегишли тартибда даволаш муолажалари тайинланди, тиббий муассасаларга йўлланмалар, зарур тавсиялар ва ижтимоий-тиббий ёрдам берилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, 10 кун давом этган ушбу тиббий кўрик юртимиз аҳолисини кенг қамраб олди десак, муболаға бўлмайди. Эътирофлиси шундаки, сафар хизматида бўлганимизда аҳоли кўрсатилган бундай меҳр ва эътибордан мамнунликларини, қолаверса, Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва жойлардаги раҳбарларга ҳурматлари чексиз эканлигини билдириб қолдилар. Шунингдек, пойтахтимизнинг етакчи клиникаларидан 300 нафар юқори малакали мутахассисларнинг жойлардаги тиббий текшируви, бунинг баробарида тиббийёт муассасаларида амалий жараёнларни бажариши ҳамда хонадонларда бўлиб, аҳолига кўрсатган сифатли тиббий хизматлари ўзининг самарали натижасини бериб, халқимиз орасида касалликлар камайиши ва олдини олишда асосий омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Саломатлик ўн кунлиги материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.  
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

## Миннатдорчилик мактублари

## МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

Ҳаёт гўзал ва мароқли, жон эса ширин. Буни дард исканжасида қолиб, уни енгишга уринган бемор ҳаммадан кўра теранроқ ҳис қилади. Улим билан олишаётган кишининг жонига аввало, яқинлари оро кирса, унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини қақлон қиладиганлар шифокорлар эмасми? Оқ халат соҳиблари ҳар қандай вазиятда оёққа туриб, ўзидан нажот истаб турган кишининг мушқулини осон қилади, унинг дардини енгилаштиради. Маълум муддат ўтиши билан бемор соғаяди ва шунда у қўлини кўксига қўйиб, ўз халоскорига мамнун жилмаяди.

Қуйидаги мактублар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов номига юборилган бўлиб, уларда мамлакатимизнинг турли шифохоналарида ўз дардига даво топган тиббиёт ходимлари шаънига илиқ фикрлар билдирилган.

64 ёшдаман, тез-тез қон босимим кўтарилиб туради. Яқинда яна шундай ҳолат такрорланди, нафасим сиқилиб, йўтал бошланди. Кўчамизда истиқомат қилувчи терапевт Дилбар Матназарова зудлик билан етиб келиб, қўлидан келган ёрдамни кўрсатди. Унинг тавсияси билан шаҳар шифохонасида даволанадиган бўлдим. Бу ерда мен шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Отаназар Ниёзматов раҳбарлигида зарурий муолажани қабул қилдим. Олий тоифали терапевт Аҳмаджон Султонов нафақат билими ва тажрибаси, балки муомаласи билан ҳам менга малҳам бағишлади. Ҳамширалар Замира Йўлдошева, Саҳобат Каримова, Жамила Сададдинова мен каби беморлар атрофида гиргиттон бўлишди. Шифокорларнинг беминнат хизмати, ширин муомаласи мени ҳаётга қайтарди, уларга Яратгандан узоқ умр тилайман.

Минавар КАМОЛОВА,  
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри.

Ой-куни яқин аёлнинг қай ҳолатга тушганини тасаввур қилсангиз керак. Келиним Гулшаной Мирзаевани тўлғоқ тутиши билан туман тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлимига олиб бордик. Ҳаёт-мамонт учун курашаётган аёлга зудлик билан ёрдам кўрсатишга шошилган Румияхон Ефорова, Доноҳон Каримова, Одинахон Мамажоноваларнинг елиб-югуришларини кўриб, шу нарсага амин бўлдимки, инсон ҳаёти хавф остида турган лаҳза ҳақиқий шифокорни ўз касбий бурчини виждонан бажаришга ундар экан. Жонингиз омон бўлсин, азизлар!

Олимжон БЕРДИБОВ,  
Фарғона вилояти, Риштон тумани.

1-гурӯх ногирониман. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ғамхўрликлардан баҳрамандман. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг Юртбошимиз раҳнамолигида ривожланаётганлигига оддий фуқаро сифатида мен ҳам гувоҳман. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилоят филиалига иши тушган бемор бу ердаги замонавий жиҳозларни, батартибликни, тозалик-озодаликни кўриб, тасанно айтади. Марказга оғир аҳволда келтирилиб, операция қилинганимни хушимга келгачгина билдим. Суриштирсам, беморлар учун барча қулайликлар яратилган бу ши-

фохона зудлик билан беморга ёрдам кўрсатадиган даволаш муассасаси экан. Шундай даволаш масканида кечани кеча, кундузни кундуз демай хизмат қилаётган оқ халат соҳибларига таъзим қиламиз.

Тошмуҳаммад ЎРОЗАЛИЕВ,  
Наманган вилояти, Уйчи тумани.

Автохалокат натижасида кимдир ҳаётдан эрта кўз юмади, яна биров ногирон бўлиб қолади. 2012 йилнинг 7 декабрида ана шундай бахтсиз ҳодиса менинг ҳаётимда ҳам рўй берди. Тошкент – Самарқанд автомагистраларида “Ласетти” русумли автомашина мени беҳосдан уриб юборди. Ҳайдовчи дарҳол мени Чиноз туман шифохонасига элитди. Кеч соат 21.00 дан 23.30 гача шикастланган оёғимни операция қилишди. 20 кун шифохонада даволандим, 4 ой оёғим гипсланган ҳолда уйда ётдим, ўзгариш йўқ. Юрагимда ваҳима: наҳотки, мен энди юролмасам, ногирон бўлиб қолсам!

Шу йилнинг 14 мартда пойтахтимиздаги Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтига келишга мажбур бўлдим. Тажрибали травматолог Муҳиддин Қодиров мени қабул қилар экан, рентген қоғозига синчиклаб разм солдида, эртагаёқ операция қилиш лозимлигини айтди. Икки соатлик жарроҳлик амалиётининг эртасигаёқ ўзимни қушдек енгил ҳис қилдим. Мўъжиза содир бўлди, ишонаверинг, мен юра бошладим, кўзларимга қувонч ёшлари келди. Аммо даволовчи-шифокор Муҳиддиннинг тавсияси билан ҳар куни оз-оздан кўпайтириб, қадам ташлай бошладим. Ҳозир соғлигим яхши. Ният қилдимки, ўғил набира кўрсам, исмини Муҳиддинжон деб қўяман ва унинг шифокор бўлишига шарт-шароит яратаман. Бу менга ҳаёт бахш этган шифокорга нисбатан ҳурмат-эҳтиромим рамзи бўлиб қолади.

Алишер НОРМАТОВ,  
Тошкент вилояти, Чиноз тумани.

2001-2008 йиллар орасида уч марта операция қилинган инсонман. Шунинг учун олийжаноб касб эгалари – шифокорлар билан кўп мартаба мулоқот қилишимга тўғри келган. Бухоро шаҳридаги клиникада менинг дардимни имкон қадар енгилаштирган ширинсухан шифокорларга қай тарихи миннатдорлик билдиришга ожизман. Уктам Ганжиев, Бахтиёр Яхшиев, Анвар Йўлдошев, Нусрат Шукуров, Рустам Хусаинов ва бошқалар кўмагида саломатлигимни тиклаб келаяпман. Қачон, қандай вазиятда мурожаат қилмайин, улар мени самимий қарши олиб, зарурий йўл-йўриқ кўрсатишмоқда.

2013 йил Юртбошимиз томонидан Обод турмуш йил деб эълон қилиниши замирида чексиз маъно бор. Ободлик бу кишиларнинг бир-бирини қадрлаши, қўллаб-қувватлаши дегани ҳамдир. Илоҳо, беморлар дардига малҳам бўлаётган шифокорлар юрти – Ўзбекистонга, унинг тиббиёт соҳасида эришаётган ютуқларига кўз тегмасин.

Сайдулло ТУРОПОВ,  
Бухоро вилояти, Олот тумани.

## Ҳамкорлик

МАҚСАДЛИ  
ФАОЛИЯТЛАРГА  
ҚАРАТИЛГАН

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида халқаро ҳамкорлик ишлари амалга оширилиб, бу борадаги фаолиятлар ўзининг самарали натижаларини бериб келмоқда. Албатта, бундай ҳамкорликдан мақсад, давлатлараро тиббиёт йўналишида тажриба алмашишдан иборатдир. Жумладан, Тошкент тиббиёт ака-



демиясининг иккинчи клиникасида ҳам халқаро ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилмоқда. Клиникада замонавий жарроҳлик амалиётларини, янги даволаш усулларини, илмий салоҳиятни ва кадрлар малакасини ошириш мақсадида Ҳиндистон Республикаси Бангалор шаҳрида жойлашган Narayana Hrudaya клиникаси билан жорий йилнинг апрель ойида икки томонлама меморандум имзоланган эди. Меморандум шартномасига мувофиқ 10 июндан 13 июнгача мазкур клиниканинг ЛОР ва ортопед йўналишидаги мутахассислари ташриф буюриб, маҳорат мактаби, лекциялар, шунингдек жарроҳлик амалиётларини бажаришди. Юқорида амалга оширилган тадбирларда клиниканинг ЛОР ҳамда ортопед кафедраси ва бўлимларининг мутахассислари ҳамкорликда иш олиб бордилар. Ушбу тадбир доирасида клиниканинг менежерлари томонидан гуманитар ёрдам тариқасида академиянинг иккинчи клиникасида телемедицина ўтказилиши ҳам режалаштирилмоқда. Халқимиз саломатлиги йўлида олиб борилаётган бундай эзгу ишлар иккала клиника мутахассисларининг тажриба қўламини бойитишда, илмий салоҳиятини оширишда ва жаҳон стандартлари асосида фаолият юритишлари катта замин яратади.

Ибодат СОАТОВА,  
Муаллиф олган суратлар.

## Танлов

## МАҲОРАТЛИ БЕЛЛАШУВ

Куни кеча Муқимий театрида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси даволаш-профилактика муассасаларида фаолият юритаётган ҳамширалар ўртасида Обод турмуш йили муносабати билан “Ораста қиз – 2013” кўрик-танлови ўтказилди. Танлов Тошкент шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Республика саломатлиги ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Танлов иштирокчилари бешта шарт бўйича ўзларини оилага тайёргарликларини, зукколикларини ҳамда бўш вақтларини қай тарзда ўтказишларини намойиш этдилар.

Биринчи шарт бўйича ҳамширалар оиласи, иш жойи ҳамда нимага қизиқишларини маҳорат билан ижро қилдилар. “Миллий либослар кўриги” шартини ҳозирги кунда ўзбек урф-одатла-



римизга хос маросим ва тадбирлар учун қай даражада кийим танлай олишларини, “Пазандачилик” шартини орқали эса берил-

ган вақт ва масалликлар ёрдамида тегишли таомни тайёрлай олиш бўйича ҳамширалар синовдан ўтказилган бўлса, “Соч ўриш” шартини улар маросимлар учун соч ўришнинг турли шакллари кўрсатиб бердилар. Эркин мавзуда ҳам ҳамширалар ўзларининг ноёб истеъодларини намойиш этдилар.

Тадбир якунига кўра ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни қуйидагича баҳолади: Олмазор туманидаги 14-оилавий поликлиника акушеркаси Диёра Таджиева 1-ўринга, Чилонзор туманидаги 7-сон туғруқ мажмуаси комплекси ҳамшираси Нафиса Ҳасанова 2-ўринга, Юнусобод туманидаги кўптармоқли марказий поликлиника ҳамшираси Зилола Хуснутдинова 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиблар ва қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Диёра БОЗОРОВА.

## Обуна – 2013

Ҳурматли муштарийлар!  
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –  
Здравоохранение Узбекистана» газетасига  
2013 йил учун  
обуна мавсуми давом этмоқда.  
Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар!

Республика тиббиёт тизимида амалга  
оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар  
ҳамда янгиланган хабардор бўлишни  
истасангиз севимли газетангизга обуна  
бўлишни унутманг!  
Нашр индекси: 128.

Ҳурматли муштарийлар!  
Сизга маълумки, расмий веб-  
сайтими (www.uzssgt.uz) фао-  
лият бошлагандан буён доимий ра-  
вишда газетадаги мақолаларни  
интернет саҳифаларида эълон  
қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўз-  
бекистон Республикаси Прези-  
денти Фармон ва Қарорлари,  
шунингдек, Соғлиқни сақлаш  
вазирлигининг барча буйруқ ва  
меъёрий ҳужжатлар матнини «Рас-  
мий ҳужжатлар» бўлимида топиш  
имкониятига эгасиз. Ундан таш-  
қари, сизда тахририят билан яқин  
ҳамкорлик қилиш истаги бўлса,  
info@uzssgt.uz, uzss@yandex.ru  
манзилига хатлар йўллашингиз  
мумкин.

## Актуальная тема

## ВРАЧЕБНАЯ ЭТИКА И ДЕОНТОЛОГИЯ

**Современные правила этики и деонтологии подразумевают работу в отделении или в стационаре, которая должна подчиняться строгой дисциплине. Медицинский работник в отношении к больным должен быть корректным и внимательным.**

При этом врач должен быть специалистом высокой квалификации, всесторонне грамотным. Неправильные действия врачей или медицинского персонала, неосторожно сказанное слово, анализы или истории болезни, ставшие доступными больному, могут привести к фобии, то есть боязни того или иного заболевания, например: канцерофобия – боязнь заболевания раком.

К деонтологии относится сохранение врачебной тайны. В ряде случаев приходится скрыть от больного его истинное заболевание, например, рак.

Сохранение врачебной тайны относится не только к врачам, но и медперсоналу, студентам, то есть всем тем, кто контактирует с больными.

Врачебная тайна не распространяется на родственников больного. Врач должен сообщить родственникам истинный диагноз, состояние больного и прогноз.

С медицинской деонтологией тесно связана ятрогения – болезненное состояние, обусловленное деятельностью медицинского работника. Если человек мнительный, психологически неустойчив, то ему легко внушить, что у него есть какое-либо заболевание, этот человек начинает находить у себя различные симптомы мнимого заболевания. Поэтому врач должен убедить больно-

го в отсутствии мнимых болезней. К ятрогении относят заболевания и повреждения, возникшие в результате неправильных действий или лечения больного. Так, к ятрогенным заболеваниям можно отнести гепатит, развившийся после инфузий зараженной крови или плазмы. К ятрогенным повреждениям относят травмы внутренних органов при полостных операциях. Это повреждение селезенки при резекции желудка, пересечение холедоха при холецистэктомии и др.

К деонтологии относятся и взаимоотношения с коллегами. Нельзя критиковать или давать оценку действиям коллеги в присутствии больного. Замечания коллегам необходимо делать при необходимости с глазу на глаз, не подрывая авторитета врача. Врач в своей работе не должен замыкаться в себе, обсуждение вызывающих у лечащего врача случаев следует производить коллегиально. Врач должен не гнушаться любым советом, будь то от старшего или младшего. Никогда не стоит говорить больному о том, что этот консультант плох, если он не соглашается с вашим диагнозом. Если при совместном с коллегами обследовании возникли разногласия – обсудить их необходимо в ординаторской, а потом, на основании истины, достигнутой в споре, необходимо сообщить общее мнение

больному. Не случайно все будущие операции обсуждаются коллегиально. То же относится к выбору тактики во время манипуляций. Если во время манипуляции врач сталкивается с непредвиденной ситуацией, техническими сложностями, аномалией развития, то он должен советоваться, вызвать старшего коллегу, при необходимости попросить его участия в дальнейшем ходе действий.

Взаимоотношения со средним и младшим медперсоналом должны быть демократичными, они знают и слышат все, необходимо привлечь их на свою сторону в плане сохранения врачебной тайны – не сообщать ни больному, ни родственникам об имеющемся заболевании или патологии, применяемым методам лечения и др. Воспитайте у них правильный ответ на все вопросы: «Я ничего не знаю, спросите у лечащего врача». Тем более все эти вопросы не должны громкогласно обсуждаться и выдаваться кому бы то ни было. Кроме того, должно быть воспитано чувство долга, ответственности, доброжелательности; даны необходимые знания и навыки.

Тактика врача, его поведение всегда должны строиться в зависимости от характера больного, уровня его культуры, тяжести заболевания, особенностей психики. С мнительными больными необходимо терпение; все больные нуждаются в утешении, но в то же время в твердой уверенности врача в возможность излечения. Важнейшей задачей врача является необходимость добиться доверия

больного и неосторожным словом и действием не подорвать его в последующем. Если пациент не обращается к врачу в последующем, он не верит ему как специалисту. Это уже признак того, что это «плохой» врач, к «хорошему» они идут, даже несмотря на первую неудачу. Значит, врач не сумел наладить контакт и взаимопонимание.

Взаимоотношения врача с родственниками – самая сложная проблема медицинской деонтологии.

Если заболевание обычное и лечение идет хорошо, допустима полная открытость. При наличии осложнений допустим корректный разговор с ближайшими родственниками.

Наряду с несельханным прогрессом различных областей медицины не может оставаться неизменным ее нравственно-философское начало.

Понятие врачебной этики и деонтологии многозначно. Это и отношения с пациентом, рождающиеся и базирующиеся на глубокой обратной связи. Это и контрапункт между больным и обществом, родными, знакомыми, сослуживцами. Очень важно помнить, что врач обладает огромнейшей властью над больным человеком, поскольку пациент доверяет ему свою жизнь. В этой подчас беспредельной власти одна из волшебных граней привлекательности и величайшей ответственности нашей профессии.

**М. ИСАКОВА,**  
врач невропатолог,  
Андижанский областной  
эндокринологический  
диспансер.

## Мутахассис маслаҳати

## САРАТОН ИССИФИДАН САҚЛАНИНГ

**Айни кунларда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида одамларда офтоб уриши ва сувсизланиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Шундай экан, инсон организмнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ташқи муҳит таъсирига мослаша олишидир. Иссиқ иқлим шароитига мослашишда организмни чиниқтириш, вақтида овқатланиш, ҳатто терлашнинг роли катта.**

Одам организмда моддалар алмашиш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик узлуксиз ташқарига чиқиб туради. Масалан, мушакларнинг бир кеча-кундуз энгил ишлаши натижасида организмдан уч минг катта калорияга яқин иссиқлик чиқади. Яна бир мисол: одам танасидан кеча-кундузда ажралиб чиққан иссиқлик билан уч тонна ҳажмдаги сув ҳароратини бир даражага кўтариш мумкин.

Инсон организмда иссиқлик энергияси ҳосил бўлиши билан бирга айни вақтда уни тарқатиш жараёни ҳам давом этади. Бу эса асосан буғланиш ва терлаш ҳисобига амалга оширилади. Бу борада одам терисининг аҳамияти каттадир. Агар одам териси термос деворига ўхшаб иссиқ ўтказмайдиган хусусиятга эга бўлганида, тана ҳарорати бир соат ичида 1,5 даражага кўтарилиб, 40 соатдан сўнг қайнаш нуктасига етарди. Организмда тўхтовсиз давом этадиган иссиқ алмашиш жараёни икки соат давомда издан чиқса, саломатликка салбий таъсир этади, натижада тана ҳарорати уч даражага кўтарилиши мумкин. Бундай ҳол узоқ давом этиши киши саломатлигига путур етказиши. Одам кам ёки кўп терлаши бир неча сабаблар – кунлик ҳаво ҳарорати, кўёш нури таъсири, шамол тезлиги, ҳаво

намлиги, кийим ранги ва қалин-юпқалиги, иш шароити, ниҳоят, организмнинг ҳолати ва бошқаларга боғлиқ.

Мутахассисларнинг кузатишидан шу нарса аниқландики, ёз фаслида ҳар бир киши ўрта ҳисобда тер билан 4-5 литр сув ва 20-30 грамм ош тузи йўқотар экан. Одам танасидан тер ажралиши ва унинг буғланиши тананинг совишига сабаб бўлади.

Иссиқ ҳаво ва кўёш нури таъсиридан тана қизиби кетиши натижасида куйидаги ҳолларни кузатиш мумкин: гипертермия ёки тананинг қизиби кетиши, кўёш уриши, организмнинг турли ҳолатда сув йўқотиши. Бундай кўнгулсиз ҳолатлар вазиятга қараб алоҳида ёки биргаликда содир бўлиши ҳам мумкин.

Гипертермиянинг энгил турида иштаҳа йўқолади, чанқайди, лоҳас бўлади ва уйку босади. Организм ҳарорати кўтарилиб, қон томир уриши ва нафас олиш тезлашади, терлаш кучаяди. Ўртача гипертермияда юқоридаги аломатларга бош оғриши ва айланиши, нафас қисиши, тери юзаларининг кўкариб кетиши ҳамда бўшашиши кўшилади. Иссиқ урганда ҳароратнинг кўтарилиши билан бир вақтда: беҳушлик, лаблар кўкариши, қон-томир уриши тезлашиб, сўнг сусайган бўлади, терлаш ҳам камайди, айрим ҳолларда тўхтаб қолиши мумкин.

Кўёш урганда тана ҳарорати озгина кўтарилади. Бошқа клиник белгилар эса иссиқ урганда ўхшаш бўлади. Организмнинг ортиқча сув йўқотиши натижасида «сувга ташналик» ҳолати юз беради. Бунда одам сув ичган сари ичгиси келаверади. Танадаги тер буғланмай, томчи ҳолатида ажралиб чиқади, натижада организм ҳарорати пасаймайди. Оғир ҳолатларда эса чексиз ташналик, иштаҳа пасайиши, дармонсизлик, қорин-ичак фаолияти бузилиши ва мувозанатни сақлаш қобилиятининг сусайиши юз бериши мумкин.

Юқоридаги ҳоллар содир бўлганда дарҳол беморнинг иссиқ алмашиш қобилиятини тиклашга ҳаракат қилиш керак. Умуман, ҳамма ҳолларда ҳам беморни юқори ҳарорат ҳамда кўёш нури таъсиридан соя-салқин ерга олиб чиқиш лозим ва эркин ҳаракатни қийинлаштирувчи кийимлардан ҳоли қилиш, сув ичириш, бош ва кўкракка латтани совуқ сувга ҳўллаб бош кўтарилган ҳолда босиш зарур. Беморга сув ичиришнинг иложи бўлмаса, тери ости ёки вена қон-томирига шифокорлар ёрдамида физиологик суюқлик юбориш керак. Иссиқ иқлим шароитида серёв овқатларни бирмунча камроқ, янги сабзавот ва турли мевалардан кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Ёз кунлари овқатларни бироз шўртамроқ еган яхши, чунки иссиқ ҳарорат таъсирида тер орқали танадан ош тузи керагидан кўпроқ ажралиб чиқади, бу эса тўқималарнинг ўз таркибига суюқликни сақлаш қобилиятини пасайтириб юборди.

Овқатланиш режимида келганимизда, у асосан иш тартибига монанд тузилиши лозим. Са-



ратонда кундалик истеъмол қилинадиган овқатнинг асосий қисмини эрталаб ва кечки пайтда ёйиш, тушда эса янги сабзавотлардан тайёрланган, ўз таркибида етарли оқсилга эга бўлган овқатларни истеъмол қилиш яхши натижа беради. Кун иссиғида кўк чой ичиш жуда фойдалидир. Турли янги мевалар – олма, ўрик, айниқса, олчадан тайёрланган шарбат ва коктейллар ҳам ташналикни яхши қондиради. Ичимликларни эрталаб ва кечкурун тўйгунча ичиш мумкин. Туш пайтида эса ортиқча истеъмол қилиб бўлмайди. Иссиқ иқлим шароитида тўғри кийиниш ҳам саломатлик гаровидир. Турли рангдаги сунъий капрон тўқималар ёки қалин ялтироқ материаллардан тикилган кийимлардан кўра, синовдан яхши ўтган оқ матодан, энгил лавсандан тикилган кийимлар иссиқ иқлим шароитида жуда қулай.

Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда саратоннинг энг

иссиқ ойларида инсонлар кўзларига офтобдан сақлайдиган кўзойнак тақишлари жуда фойдалидир. Саратон ойларида эркаклар сочини тез-тез устара билан олдириб, бошига офтоб ўтказмайдиган оқ рангдаги энгил бош кийим кийиб юришга одатланиши сочни мустаҳкам қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Саратонда кун режими, шахсий гигиенага амал қилиш лозим. Ёз кунларида барча соҳа кишилари ишни эрта бошлашга, куннинг қизиган вақтида эса дам олишга одатлансалар, меҳнат унумдорлиги яхши бўлиши шубҳасиз. Иссиқ кунларда ишдан кейин илиқ душда чўмилиш ёки ванна қабул қилишга одатланиш организмни чиниқтиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

**А. ТОҲИРИЙ,**  
Тошкент врачлар  
малакасини ошириш  
институтининг катта  
ўқитувчиси.



(ЎЗА).

**– Мен ҳам катта бўлсам чемпион акаларим  
каби юртим шарафини ҳимоя қиламан!**

## Тежамкор ускуналар самараси

**Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг “Электр таъминоти ва энергия самарадорлигини яхшилаш” грант лойиҳаси доирасида қуёш батареяси орқали сув киздирувчи коллектор ва тежамкор сенсорли лампалар ўрнатилди.**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига ўрна-

тилган тежамкор электр таъминоти ускуналари замонавий усулда барпо этилган 60 ўринли хирургия мажмуасини муқобил электр энергияси ва иссиқ сув билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Ишончли, экологик тоза муқобил электр таъминотидан фойдаланиш энергияни тежаш самарадорлигини ошириб, тиббий асбоб-ускуналардан янада унумли фойдаланиш ва тиббий хизмат сифатини яхши-

лашга хизмат қилади.

– Ўзбекистонда барча соҳа изчил ривожланаётир, – дейди Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Карл Тестенсен. – Серкүёш мамлакатингизда муқобил электр энергиясидан самарали фойдаланиш учун катта имкониятлар мавжуд. Қуёш фото-электр станциялари, айниқса, Сурхондарё вилоятида яхши самара беради. Бунга вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида фойдаланишга топширилган мазкур ускуналар яққол мисолдир.

ЎЗА.

## Огоҳ бўлинг!

### ФУҚАРОЛАРНИНГ АЙБИ БИЛАН

**Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспекторлар шахсий таркиби томонидан халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли тураржой биноларини ёнгинлардан муҳофаза этиш юзасидан самарали иш олиб борилиб, 2013 йилда хизмат сифатини оширишга эришилмоқда.**

Афсуски, ўтказилган тадбирлар давомида айрим фуқаролар хонадонларида ва корхона-ташкilotларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари учраб турибди. Ёнгинга олиб келувчи техник носоз газ ва электр мосламаларидан фойдаланиш, ёқилган газ плитасини назоратсиз қолдириш, маст ҳолда тамаки маҳсулотини чекиш, шунингдек, ёш болаларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатида турли даражада ёнгинлар содир бўлишига олиб келмоқда.

Жорий йилда Миробод тумани, Қуддус 1-тор кўчаси 28-уйда истиқомат қилувчи фуқа-

ро М. Лысакова электр иситиш печидан фойдаланиш вақтида ёнгин содир бўлган ва тутундан захарланган ҳолда ҳаётдан кўз юмган. Худди шундай ҳолат, яъни фуқаро А. Перепелюковнинг маст ҳолда сигарет чекиши оқибатида ёнгин содир бўлиб, натижада у 20 фоиз куйиш тан жароҳати олиб, вафот этган.

Содир бўлаётган бундай ёнгинлар таҳлил қилинганда, фуқароларимизнинг ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари, лоқайдлик ва эътиборсизликлари кўзга яққол ташланиб турибди. Шундай экан, ҳар биримиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилсак-



кина, юқоридаги кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга эришган бўламиз.

**Х. УМАРОВ,**  
Миробод тумани ИИБ  
ЁХБ 3-ХҲО катта  
инспектори, сержант.

## Дил изҳори

### Бахтимизга омон бўлинг



Мен авваламбор халқимиз саломатлиги учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Саломатлигимни тиклаш мақсадида пойтахтимиздаги кўплаб тиббиёт муассасаларида даволаниб чиқдим. Шунингдек, фарзандларим ҳамда набираларим ҳам Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли шифо масканларида тиббий муолажалар олиб келмоқдалар.

Шу ўринда пойтахтимиздаги 1-, 4-, 5-болалар шифохонаси, 1-клиник шифохонаси пульмонология бўлими, 8-оилавий поликлиника ҳамда айни кунда даво муолажаларимни олаётган Тошкент тиббиёт академияси иккинчи клиникасининг кўз касалликлари ва биринчи клиникаси бўлимларида беморлар дардига малҳам бўлаётган ўз касбининг билимдонлари, самимий, меҳрибон шифокор, ҳамшира ҳамда кичик тиббиёт ходимларига дил изҳорларимни билдираман.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов ҳамда унинг жамоасига яна бир бор ўз ташаккуримни изҳор этиб, халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган масъулиятли ва шарафли ишларида омадлар тилаб қоламан.

**Мастура ИРИСМЕТОВА,**  
Тошкент шаҳри.

**СУРАТДА:** Мастура Ирисметова Тошкент тиббиёт академияси иккинчи клиникаси кўз касалликлари бўлимидаги тиббиёт ходимлари даврасида.

## Ижтимоий ҳимоя

### САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

**Беморларни даволаш ва назорат қилиш орқали худудда ногиронликни камайтириш асосий вазифаларимиздан бири деб биламиз. Жамоамиз мазкур йўналишдаги ишларни қучайтириб, ижобий натижаларга эришди. Жумладан, 2012 йилда бирламчи ногиронлик 37 нафарга, қайта ногиронлик 732 нафарга камайди.**

Республикамизнинг тиббий меҳнат эксперт соҳасига оид ҳужжат ва қарорлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг йиғилиш қарор ҳамда буйруқлари билан танишиб, ходимлар ўртасида, шунингдек, шифохона ва поликлиника шифокорлари билан ногиронликнинг олдини олиш бўйича ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Нукус шаҳридаги минтақавий реабилитация марказида ногиронлар тиббий-ижтимоий, касбий реабилитация қилиниб, даволашнинг янги усуллари қўлланилиши, замонавий тиббий аппаратуралар билан жиҳозланганлиги, ижара пунктлари ташкил этилганлиги, юқори малакали мутахассислар борлиги ногиронларни реабилитация қилишда ижобий натижалар бермоқда. Жумладан, ўтган йилда 2149 нафар ногирон тўлиқ, 1272 нафар ногирон эса қисман реабилитация қилинди.

Тиббий муассасаларда ногиронларни яқка тартибда реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши ТМЭК врачлари томонидан назоратга олиниб, аниқланган хато ва камчиликлар поликлиника врачлари билан муҳокама этилмоқда.

Албатта, ҳар бир фаолият изчиллик билан олиб борилиши ва унга жиддий ёндошув ишлар самарадорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этади.

**Гулистон ҚАЛМУРАТОВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Бош ТМЭК раиси в.б.

Газета

муассиси:

**Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги**

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ

Нашр учун масъул

Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.

Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 8400 нусха.  
Буюртма Г-645.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

